DOI: https://doi.org/10.5281/zenodo.7639031 Pages: 957-962





WOMEN IN SUSTAINABLE DEVELOPMENT: SCIENCE AND QUALITY EDUCATION

3RD INTERNATIONAL CONFERENCE



МАРКАЗИЙ ОСИЁДА МИНТАҚАВИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ

Саодат Убайдуллаева,
Тошкент давлат шарқшунослик университиети,
тадқиқотчи,
сиёсий фанлар номзоди
@-mail: sadulya75@mail.ru

Калит сўзлар: *минтақа, ҳамкорлик, Марказий Осиё, хавфсизлик.*

Аннотация. *Мақола Марказий Осиё давлатларининг минтақада хавфсизликни таъминлаш бўйича олиб борилаётган ҳамкорлик масалаларида юзага келаётган муаммолар ва уларни тизимлаштириш, бартараф этиш масалаларига бағишланган. Ўзбекистон Республикасининг минтақавий ҳамкорлик борасида юргизаётган ташқи сиёсати ва ташаббуслари доирасидаги муносабатлар ёритиб берилган.*

ISSUES OF INTERNATIONAL COOPERATION IN ENSURING REGIONAL SECURITY IN CENTRAL ASIA

Key words: *region, cooperation, Central Asia, security.*

Annotation. *The article deals with the issues of cooperation between the countries of Central Asia to ensure security in the region, as well as issues for solving and systematizing these problems. Relations are covered within the framework of foreign policy and initiatives of the Republic of Uzbekistan on regional cooperation.*

ВОПРОСЫ МЕЖДУНАРОДНОГО СОТРУДНИЧЕСТВА В ОБЕСПЕЧЕНИИ РЕГИОНАЛЬНОЙ БЕЗОПАСНОСТИ В ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ

Ключевые слова: *регион, сотрудничество,Центральная Азия, безопасность.*

Аннотация. *В статье рассматриваются вопросы сотрудничества стран Центральной Азии по обеспечению безопасности в регионе, а также вопросы по решению и систематизации данных проблем. Освещаются отношения в рамках внешней политики и инициатив Республики Узбекистан по региональному сотрудничеству.*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёевнинг минтақа ва дунё давлатлари саъй-ҳаракатларини умумий муаммоларни ҳал қилиш учун бирлаштиришга йўналтирилган ҳаракатлари Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотлардаги фаоллиги кескин ошиб, кучайишига олиб келди. Давлатлар раҳбарларининг маслаҳат учрашувларини мунтазам равишда ўтказиб бориш ҳақидаги ташаббус амалга оширилиб, Нурсултон, Тошкент ва Аваза шаҳарларида саммит ўтказилди. Марказий Осиё иқтисодий форумлари доимий асосда ташкил этилмоқда. Савдо-иқтисодий алоқалар, саноат кооперацияси, маданий-гуманитар муносабатлар жадал суръатларда ривожланмоқда[1].

Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги оқилона ташқи сиёсати самарали бўлаётгани ва минтақадаги барча мамлакатлар манфаатларига мос келаётганига қарамай, минтақада хавфсизлик бўйича комплекс ўзаро боғлиқлик тизимини шакллантириш масаласи ҳамон охиригача ҳал бўлмай келмоқда. Бунинг бир қанча сабаблари бор.

Биринчидан, Афғонистоннинг минтақа комплекс ўзаро боғлиқлик тизимидаги ўрни ва иштироки мавҳумлигича қолмоқда. Афғонистон, назариётчи Б. Бузан учун — Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги алоҳида хавфсизлик комплекси[2], Ғарб назариётчилари ва экспертлари учун — Марказий ва Жанубий Осиёнинг бир қисми, Россия тадқиқотчилари учун — Марказий Осиёнинг бир қисми, Осиё мамлакатларининг аксарият олимлари учун эса (бу мамлакатнинг маданий ва географик жойлашувидан келиб чиқиб) Жанубий Осиё минтақасига кирувчи мамлакатдир.

Иккинчидан, Марказий ва Жанубий Осиёда минтақавий ўзаро боғлиқлик тизимининг шакллантирилишини жадаллаштириш жараёнининг назарий-методологик ва амалий асослари ҳанузгача ишлаб чиқилмаган.

Учинчидан, халқаро муносабатларда Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги ҳамкорлик халқаро даражада шаклланиб бўлган минтақавий ҳамкорлик сифатида эмас, балки иштирокчиларида умумминтақавий

масалаларни якдиллик билан ёндашиб, тўлиқ ҳал қилиш нияти бўлмаган субкомплекс сифатида шарҳланади.

Г. Акунованинг "Страны Центральной Азии: трудности на пути сближения" ("Марказий Осиё давлатлари: яқинлашиш йўлидаги қийинчиликлар") номли мақоласида Марказий Осиё давлатларининг минтақада кўп томонлама ҳамкорликни самарали олиб боришига тўсқинлик қилаётган омиллар таҳлил қилиниб, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистоннинг кўп томонлама форматда ҳамкорлик қилишга тайёр эмасликларининг асосий сабаблари кўрсатилган[3]. Бунда асосий эътибор қудратли ташқи кучларнинг минтақадаги манфаатлари тўқнашуви, Қозоғистон билан Ўзбекистон ўртасида пешқадамлик учун кураш масалалари, сув сиёсати ва чегараолди ҳудудларидаги ҳамкорлик каби омилларга қаратилган. Шунингдек, мақолада Марказий Осиё давлатларининг минтақада кўп томонлама ҳамкорликни самарали йўлга қўйиш учун зарур бўладиган чора-тадбирлар баён этилган.

Минтақа давлатлари мустақилликка эришганларидан сўнг кўп томонлама ҳамкорликни йўлга қўйиш борасидаги дастлабки уринишлар муваффақиятсиз чиқди. Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон ва Тожикистон ҳудудларидаги интеграцияга оид лойиҳалар кўзланган натижани бермади, минтақавий кооперацияни ривожлантириш борасидаги мақсадларга эришилмади ва белгиланган вазифалар бажарилмай қолди. Орадан 30 йил ўтган бўлса ҳам, Марказий Осиёдаги барча мамлакатлар иштирок этадиган кўп томонлама ҳамкорлик механизми ҳанузгача йўлга қўйилмади.

Ҳозирги вақтда Марказий Осиё давлатлари хавфсизликни таъминлаш масалаларида халқаро хавфсизлик тизимининг *глобал* (унга биноан хавфсизликни таъминлаш принциплари БМТ Низомига асосланади), *минтақавий* (бунда хавфсизлик соҳасидаги минтақавий ҳамкорлик диққат марказида бўлади) ва *миллий* даражаларига таянадилар.

Шу билан бирга, Марказий Осиёда минтақавий хавфсизлик бўйича комплекс ўзаро боғлиқлик тизимини шакллантиришда халқаро

муносабатларга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Масалан, россиялик эксперт А. Казанцев Марказий Осиёда комплекс ўзаро боғлиқликни шакллантириш жараёнидаги халқаро муносабатлар тўртта йўналишда, яъни “реалистик”, “либерал”, “маданий-антропологик” ва “глобал” йўналишларда амалга оширилиши мумкинлигини таъкидлайди. Бироқ, дастлабки икки йўналиш қудратли мамлакатларнинг минтақадаги манфаатлари қарама-қарши эканлиги, уларнинг ўзаро рақобати ва муносабатларидаги зиддиятлар сабабли самарасиз амалга оширилмоқда. Бу ҳолат Марказий Осиёни ташқи таъсирлар олдида ожиз қилиб қўймоқда.

Марказий Осиё давлатлари тараққиётига оид ички ижтимоий-сиёсий моделларнинг келгуси ривожи кўпроқ минтақа давлатларининг мавжуд ташқи ҳамда ички хавф-хатарларни енгиш, шунингдек, аввало, ташқи руҳий зарбаларга чидамли, ҳар томонлама самарали бошқариладиган ва эркин ички иқтисодиётни яратиш имкониятига боғлиқ[4].

Минтақавий хавфсизлик бўйича комплекс ўзаро боғлиқлик тизимининг асосий мақсадлари: биринчидан, минтақа давлатларининг хавфсизлик масалалари бўйича бир хил минтақавий ёндашув доирасида ҳамкорлик қилишига эришиш; иккинчидан, минтақа манфаатларини халқаро майдонда биргаликда илгари суриш; учинчидан, бошқа минтақалар билан минтақавий аҳамиятга молик муҳим масалалар бўйича ўзаро боғлиқликка доир ҳаракатларни бирлаштириш имконини берадиган усул яратишдан иборат.
Ўзбекистон қўшни мамлакатлар билан ўзаро муносабатлар кооперациясида Марказий Осиёдаги пешқадам мамлакатлардан бири сифатида минтақавий ҳамкорликни жуда муҳим деб ҳисоблайди. Ўзбекистон минтақавий хавфсизлик муаммоларини хорижий давлатлар билан ҳам, БМТ, ЕХҲТ, ШҲТ, МДҲ каби халқаро ташкилотлар доирасида ҳам ҳал қилмоқда.

Марказий Осиёда минтақавий хавфсизлик бўйича комплекс ўзаро боғлиқлик тизимининг шакллантирилиши минтақавий ҳамкорлик ва унда хорижий давлатлар ҳамда халқаро ташкилотлар фаол иштирок этишлари учун имкониятлар эшигини очиб беради. Минтақавий хавфсизлик бўйича

комплекс ўзаро боғлиқлик тизимининг шакллантирилишида ташқи қудратли кучлар таъсири алоҳида роль ўйнайди, чунки Марказий Осиё АҚШ, Хитой, Россия, Европа Иттифоқи мамлакатлари, Эрон, Покистон, Ҳиндистон ва Туркия каби йирик давлатларнинг диққат марказидаги объект ҳисобланади.

Ҳозирги кунда қудратли ташқи кучлар минтақада хавфсизликни таъминлаш соҳасига бир қанча йўналишларда таъсир этаётганини таъкидлаш мумкин. Биринчи даражадаги таъсир АҚШ, ЕИ, Россия ва Хитой билан боғлиқ. Иккинчи даражадаги таъсир минтақага қўшни Эрон, Покистон, Туркия давлатларининг ўзаро муносабатларини ўз ичига олади. Бу давлатларнинг барчаси икки томонлама ҳамкорлик механизмидан ташқари хавфсизлик ташкилотлари, жумладан МДҲ, КХШТ, ШҲТ, НАТО орқали кўп томонлама ҳамкорликни амалга оширишмоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

[1]. Ўзаро боғлиқ дунёдаги сиёсий прагматизм. Ўзбекстон Республикаси ташқи ишлари вазири А. Х. Комиловнинг «Правда Востока» ва «Янги Ўзбекистон» газеталари муҳарририга берган интервьюси. 08.10.2021 г. — URL: https://yuz.uz/ru/news/politicheskiy-pragmatizm-vo-vzaimosvyazannom-mire

[2]. Buzan B. Regions and Powers: The Structure of International Security. 7 th ed / B. Buzan, O. Waever, J. Wilde. — Cambridge: Cambridge University Press, 2010. — 592 p.

[3]. Акунова Г.Ч. Страны Центральной Азии: трудности на пути сближения // Проблемы постсоветского пространства. — 2020. — №7.—С. 300–311.—URL: https://www.postsovietarea.com/jour/article/view/257/241

[4]. Курбанов С. Экономика Центральной Азии в ретроспективе: прошлое, настоящее и будущее // Центральная Азия — 25: мысли о прошлом, проекция будущего: Сборник-эссе из Центральной Азии /

Программа изучения Центральной Азии; Институт европейских, российских и евразийских исследований; Школа международных отношений им. Эллиотта; Университет Дж. Вашингтона. — Март, 2017. — С. 32–35.